

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК – ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Т.101.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ОЛИМОВ БОБИР БАҲОДИР ЎҒЛИ

НЕФТЬ-ГАЗ САНОАТИДАГИ КИСЛОТАЛИ КОРРОЗИЯГА ҚАРШИ
ВИНИЛАЦЕТИЛЕН АСОСИДАГИ ИНГИБИТОРЛАРНИНГ
ОЛИНИШИ ВА ТЕХНОЛОГИЯСИ

02.00.08 - Нефть ва газ кимёси ва технологияси

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро -2022

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
техническим наукам
Content of the dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on technical
sciences**

Олимов Бобир Баходир ўғли

Нефть-газ саноатидаги кислотали коррозияга қарши вирилацилени
асосидаги ингибиторларнинг олиниши ва технологияси.....3

Олимов Бобир Баходир угли

Получение и технология ингибиторов на основе вирилацилена против
кислотной коррозии в нефтегазовой промышленности.....21

Olimov Bobir Bahodir's son

Obtaining and technology of inhibitors based on vinylacetylene against acid
corrosion in the oil and gas industry.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works42

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК – ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА БЕРУВЧИ PhD.03/30.12.2019.Т.101.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

ОЛИМОВ БОБИР БАҲОДИР ЎҒЛИ

НЕФТЬ-ГАЗ САНОАТИДАГИ КИСЛОТАЛИ КОРРОЗИЯГА ҚАРШИ
ВИНИЛАЦЕТИЛЕН АСОСИДАГИ ИНГИБИТОРЛАРНИНГ
ОЛИНИШИ ВА ТЕХНОЛОГИЯСИ

02.00.08 - Нефть ва газ кимёси ва технологияси

ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро -2022

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация
комиссиясида В2021.4.PhD/T2449 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро муҳандислик-технология институтида бажарилган.
Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш
веб-саҳифасида (www.bmti.uz) ва «ZiyoNet» ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz)
жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Ахмедов Воҳид Низомович техника фанлари номзоди, доцент
Расмий оппонентлар:	Абдурахмонов Олим Рустамович техника фанлари доктори, профессор Бекназаров Ҳасан Соҳибназарович техника фанлари доктори, профессор
Етакчи ташкилот:	Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институти

Диссертация ҳимояси Бухоро муҳандислик-технология институти хузуридаги
PhD.03/30.12.2019.T.101.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «17» 02
соат 14⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200117, Бухоро шаҳри, Қ. Муртазоев
кўчаси, 15. Тел.: (99865) 223-78-84, факс: (99865) 223-78-84, E-mail: bmti_info@edu.uz).

Диссертация билан Бухоро муҳандислик-технология институтининг Ахборот-ресурс
марказида танишиш мумкин (№360 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: (200117,
Бухоро шаҳар, Қ.Муртазоев кўч., 15. Тел.: (99865) 223-78-84).

Диссертация автореферати 2022 йил «4» феврал куни тарқатилди.
(2022 йил «31» январдаги №4 рақамли реестр баённомаси).



Н.Р. Баракаев
Илмий даража берувчи илмий кенгаш
раиси, т.ф.д., профессор

Р.Р. Ҳайитов
Илмий даража берувчи илмий кенгаш
котиби, т.ф.д., катта илмий ходим

Ш.М. Ходжиев
Илмий даража берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси, т.ф.н., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда бугунги кунда нозик органик синтез маҳсулотлари, айниқса турли хил функционал гуруҳ тутган бирикмаларнинг тўйинмаган винил ҳосилалари халқ хўжалиги, қишлоқ хўжалигининг турли соҳаларида, фармацевтика, кимё саноати, тўқимачилик, лок-бўёқ ва нефть-газ кимёси соҳаларида кенг кўламда қўлланилмоқда. Шу сабабли турли хил функционал гуруҳ тутган бирикмаларни виниллаш жараёнига таъсир этувчи турли табиатли катализаторлар, органик эритувчилар ва уларнинг аралашмалари, шунингдек юқори асосли муҳитлар иштирокида тўйинмаган винил ҳосилаларини ҳамда муҳим кимёвий компонентлар синтез қилиш замонавий органик кимёда муҳим аҳамиятга эга.

Жаҳонда кимё саноатининг ривожланиши натижасида турли агрессив муҳитлар таъсирида нефть ва газ технологиясида қўлланиладиган металл конструкцияларда келиб чиқадаган коррозияни олдини олиш учун самарали коррозия ингибиторларининг яратилиши бўйича мақсадли илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Бу борада, кенг тарқалган табиий ресурслар асосида юқори самарали ингибиторларнинг янги авлодини яратиш, янги коррозия ингибиторларни синтез қилиш, уларнинг хоссаларини аниқлаш ва улар асосида самарали ва импорт ўрнини босувчи ингибиторлар яратиш технологиясини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Республикамызда сўнгги йилларда кимё саноатига алоҳида эътибор қаратилиб, «Навоиазот» АЖ ва «Электрокимёзавад» ҚК АЖ корхоналарини қайта реконструкция қилиш ва қўшимча цехлар ташкил этилаётган бўлиб, уларда янги технология бўйича ацетиленни юқори самарадорлик билан ишлаб чиқариш жараёни амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида «Кимё саноати корхоналарини модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш» бўйича муҳим вазифалари белгилаб берилган. Бу борада маҳаллий хомашё бўлган ацетилен асосида органик синтез маҳсулотлари ишлаб чиқариш усулларини яратишга, олинган маҳсулотларни тузилишини, физик-кимёвий, технологик ва эксплуатацион хоссаларини яхшилашга йўналтирилган илмий тадқиқотлар муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси» тўғрисидаги¹ Фармонлари ва 2017 йил 23 августдаги ПҚ-3236-сон «2017-2021 йилларда кимё саноатини ривожлантириш дастури» тўғрисидаги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги Фармони

диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг: VII. «Кимё технологиялар ва нанотехнологиялар»; XII «Органик, ноорганик, полимер ва бошқа табиий материалларни олиш технологияси» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Ацетилен асосида винилбирикмалар синтез қилиш бўйича дунё миқёсида Б.А.Трофимов, О.Н.Темкин, Р.М.Флид, Л.Б.Фишер, И.Л.Котляревский, А.А.Петров, Б.Гусев, А.В.Шелкунов, Пару Рам Пао, Л.Панивника, Йоко Ямамото, Биао Жианг каби атоқли олимларни илмий тадқиқот ишлари алоҳида ўрин тутмоқда.

Ўзбекистонда ацетилен кимёси соҳасида А.Г.Махсумов, К.М.Ахмеров, Т.С.Сирлибоев, Д.Юсупов, А.Икромов, Б.Ф.Мухиддинов, С.Э.Нурмонов, А.Т.Джалилов ва бошқалар томонидан турли синтезлар, ацетилен бирикмаларнинг ингибиторлик хоссалари, ацетилен асосида гетероциклик бирикмалар синтези ва фаол водородли органик бирикмаларни виниллаш соҳасида илмий изланишлар олиб борилган ва давом эттирилмоқда.

Республикамизда металлар коррозияси муаммоларини хал қилишда, ингибиторлик хоссаларини намоён қилувчи кимёвий бирикмаларни синтез қилишда ва ингибиторлик системаларни яратишда Р.С.Тиллаев, Т.Д.Цыганов, Ф.К.Курбанов, А.Т.Джалилов, А.Икромов, Д.Юсупов, З.Б.Таджиходжаев, Х.И.Акбаров, Ҳ.С.Бекназаров, Ҳ.Қодиров каби олимлар ўзларининг тадқиқотлари билан ҳисса қўшганлар.

Мазкур диссертация иши маҳаллий хомашёлардан кенг фойдаланган ҳолда фенол ва унинг ҳосилаларини винилацетилен билан виниллаш жараёни асосида нефть саноати, қишлоқ хўжалиги ва тиббиётда фойдаланиш мумкин бўлган винилбирикмалар олиш ҳамда улардан коррозия ингибиторлари олиш, шунингдек, ушбу жараёнларга янги авлод каталитик системаларини яратиш каби муаммоларни ечишга йўналтирилган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.

Диссертация тадқиқоти Бухоро муҳандислик-технология институтининг 18-18/2021 “Табиий газ таркибига қўшилувчи одорант моддасини ишлаб чиқариш технологиясини йўлга қўйиш” (2021-2022 йй.) мавзусидаги илмий-тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқот мақсади нефть-газ саноатидаги кислотали коррозияга қарши винилацетилен асосидаги ингибиторларнинг олиниши ва технологиясини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

икки атомли фенолларнинг виниллаш жараёнига янги каталитик системаларни қўллаш;

гидрокси-винилбирикмаларнинг унумига турли омиллар таъсирини аниқлаш;

виниллаш жараёнининг кинетикасини ва гидрокси-винилбирикмаларнинг ҳосил бўлиш механизмини тадқиқ қилиш;

нефть ва газ саноатида учрайдиган кислотали коррозиянинг олдини олиш учун коррозия ингибиторлари олиш;

синтез қилинган бирикмаларнинг физик-кимёвий хоссаларини ва ингибиторлик хусусиятини таҳлил қилиш;

нефть ва газ саноатидаги кислотали коррозиянинг олдини олиш учун синтезланган коррозия ингибиторларининг тажриба-саноат синовларини ўтказиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида икки атомли феноллар ва уларнинг винил ҳосилалари, моноэтанолламин, метанал, формалин (метаналнинг сувдаги 40% ли эритмаси), натрий бисульфит, ишқорлар асосидаги катализаторлар, юқори асосли ва органик апротон диполяр эритувчилар олинган.

Тадқиқотнинг предметини ўзгарувчан ҳарорат, муҳитлар, модда концентрацияси ва модда табиатига боғлиқ ҳолда ишлаб чиқилган янги сульфометилланган ва аминометилланган маҳсулотлар иштирокида коррозияни ингибирлашнинг оптимал шароитлари ташкил этган.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертация ишини бажаришда ИҚ-спектроскопия, гравиметрик, квант-кимёвий (PM3, MNDO-3) ярим эмпирик усулларидадан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор резорцин, гидрохинон ва пирокатехинни винилацетилен билан атмосфера босимида каталитик виниллаш жараёнига табиати турлича бўлган эритувчилар ва катализаторларнинг таъсири илмий асосланган;

икки атомли феноллар ва уларнинг винил ҳосилаларини квант-кимёвий ва молекуляр-динамик ҳисоблашлари асосида тузилиши ва реакцион қобилияти орасидаги боғлиқлик қонуниятлари аниқланган;

икки атомли фенолларнинг винил эфирларини маҳаллий хомашёлар: формалин, натрий бисульфит ҳамда моноэтанолламин иштирокида олинган нефть-газ саноатидаги кислотали коррозияга қарши ингибирловчи моддаларнинг тузилиши ва физик-кимёвий хоссалари аниқланган;

металларни кислотали коррозиядан ҳимоялаш учун ишлаб чиқилган икки атомли феноллар винил эфирлари асосидаги сульфометилланган ва аминометилланган ҳосилаларининг ингибирлаш хоссалари амалий асосланган;

нефть-газ саноатидаги кислотали коррозияга қарши ингибиторларни олиш технологияси ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

резорцин, гидрохинон ва пирокатехинни винилацетилен билан атмосфера босимида виниллаш натижасида уларнинг винил ҳосилалари синтез қилинган ва жараёнлар оптималлаштирилган;

нефть-газ саноатидаги кислотали коррозияга қарши икки атомли фенолларнинг винилацетилен асосидаги винил эфирлари ва маҳаллий хом

ашёлар асосида ишлаб чиқилган полифункционал моддаларнинг ингибиторловчи хусусиятини намоён қилиши кўрсатилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги диссертация тадқиқоти физик-кимёвий (ИК-спектроскопия) гравиметрик ва бошқа тадқиқот усуллари билан исботланган. Спектрал усуллардан олинган натижалар HyperChem, Gaussian ва ChemDraw Ultra замонавий компьютер дастурларида текширилиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти резорцин, гидрохинон ва пирокатехинни атмосфера босимида каталитик виниллаш жараёнининг такомиллаштирилиши ҳамда гидроксигосилалар синтези жараёнининг муқобил шароитини топиш учун маҳсулот унумига асосий омиллар (катализатор ва эритувчилар табиати ҳамда миқдори, ҳарорат, реакция давомийлиги) таъсирларининг аниқланиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти икки атомли феноллар винил эфирларининг синтезланиши ҳамда улардан маҳаллий хом ашёлар асосида синтезланган сульфометилланган ва аминометилланган янги, импорт ўрнини босувчи ва экологик хавфсиз коррозия ингибиторларининг саноатда қўлланилишига хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Нефть-газ саноатидаги кислотали коррозияга қарши ингибиторларни ишлаб чиқариш технологиясини такомиллаштириш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

ишлаб чиқилган коррозия ингибиторлари “Олот нефт ва газ қидирув экспедицияси” МЧЖ да амалиётга жорий этилган («Ўзбекнефтгаз» АЖ нинг 2021 йил 28 декабрдаги 03-17-5/210-сон маълумотномаси). Натижада сув-нефт эмульсияларида коррозиядан ҳимоялаш даражасини 93,5 фоизгача оширишга эришилган;

таркибига сульфо ва амино функционал гуруҳлари киритилган ингибиторлар “Бухоронептгазпармалаш” АЖ корхонасида амалиётга жорий этилган («Ўзбекнефтгаз» АЖ нинг 2021 йил 28 декабрдаги 03-17-5/210-сон маълумотномаси). Натижада сульфо ва амино гуруҳ фрагментларини тутган органик бирикмаларнинг коррозиядан ҳимоялаш даражаси сульфометилланган коррозия ингибитори учун 93,5%, аминометилланган коррозия ингибитори учун эса 92,3% гача оширилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий конференцияларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация илмий тадқиқот натижалари бўйича жами 16 та илмий иш чоп этилган, шулардан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та илмий мақола, жумладан 2 таси хорижий ва 3 таси Республика илмий журналларида чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш,

тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат. Диссертациянинг ҳажми 117 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предметлари тавсифланган, Республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти ёритилган, натижаларни амалиётга жорий қилиш, нашр этилган илмий ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Икки атомли фенолларнинг винил эфирлари ва улар асосидаги коррозия соҳасидаги тадқиқотларнинг ривожланиш истиқболлари ва замонавий ҳолати”** деб номланган биринчи бобида икки атомли феноллар кимёсининг ривожланиш тенденцияси, самарали коррозия ингибиторларини яратиш соҳасидаги тадқиқотларнинг ривожланиш истиқболлари ва замонавий ҳолати тўғрисидаги маълумотлар манбаълар ўрганилиб атрофлича таҳлил қилинган.


Диссертациянинг **“Икки атомли фенолларнинг винил эфирлари ва улар асосидаги коррозия ингибиторларининг синтези ва тадқиқот усуллари”** деб номланган иккинчи бобида эса бошланғич моддаларнинг физик-кимёвий кўрсаткичлари ва характеристикаси, винилацетилен билан виниллаш жараёни усуллари, синтез қилинган бирикмаларнинг таркибини анализ қилиш билан бир қаторда тажриба услубиёти келтирилган.

Диссертациянинг **“Коррозия ингибиторларининг олиниш жараёнининг тадқиқи ”** деб номланган учинчи боби 4 та параграфдан иборат бўлиб винилацетилен асосидаги икки атомли фенолларнинг винил эфирларини олиш ва уларнинг физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш, икки атомли фенолларнинг винил эфирларини сульфометиллаш реакцияси, икки атомли фенолларнинг винил эфирларини аминометиллаш реакцияси ва моддаларнинг квант-кимёвий таҳлили акс этирилган.

Феноллар ўзининг кислота табиатига ҳамда ароматик хоссага эга эканлиги билан ажралиб туради. Фенолларнинг фаоллигини ошириш, таркибига кўшбоғ тутган ҳосилалар киритиш ҳам назарий ҳам амалий аҳамиятга эга. Бунинг сабаби бундай бирикмалар ўзининг реакцион қобилияти юқорилиги билан бошқа моддалардан ажралиб туради, шунингдек ҳосил бўлган бирикмалар орқали биологик фаол бирикмалар, катализаторлар ва коррозия ингибиторлари синтез қилиш мумкин. Бир қанча олимлар винилловчи агент сифатида фақат ацетилендан фойдаланиб келишган. Аммо бизнинг тажрибаларимизнинг фарқи шундаки винилловчи агент сифатида ацетилендан эмас винилацетилен танланди. Винилацетилен услубиёт бўйича синтез қилинди.


Ўртача ҳароратда тозалаб олинган винилацетилен катализатор иштирокида резорцин билан реакцияси олиб борилди. Реакциянинг оптимал

шароити танланиб, синтез амалга оширилди. Амалга оширилган тажрибалар натижалари ва замонавий текшириш усуллари ёрдамида реакциянинг йўналиши қуйидагича таклиф этилди.



Синтез қилинган модданинг тузилишидан кўриниб турибдики унинг таркибидаги қўшбоғ ҳисобига унга турли хил функционал гуруҳларни киритиш мумкин, шунингдек, гидроксил гуруҳнинг реакция қобилияти юқорилиги ҳам унинг ҳосилаларини синтез қилиш имконини беради.

Ацетилендан фарқли ҳолда винилловчи агент сифатида винилацетилендан фойдаланилганда қўшбоғ сони биттага ортади яъни дивинилли ҳосила олинади. Ацетилен ўрнига икки атомли феноллар билан турли хил асосли муҳитда винилацетиленнинг бирикиш реакцияси олиб борилганда булар орасида энг юқори реакция унумига эга бўлгани ҳам KOH/DMCO бўлди. KOH/DMCO системасининг юқори асослилик хусусиятини моҳияти катионларнинг кучли, анионларнинг эса кучсиз сольватланиши билан боғлиқ. Бундан ташқари KOH нинг диметилсульфоксидда оз эрувчанлиги ҳамда диссоциланиш даражасининг кичиклигини ҳам эътиборга олиш керак.




1-расм. Резорцин моновинил эфири унумининг эритувчи табиати ва вақтга боғлиқлиги

Бу эса аънанавий анионли механизм билан бир қаторда диссоциланмаган ишқор молекулалари билан борадиган ўзгаришларни кўриб чиқишга асос бўлади. Эритувчилар табиатининг реакция унумига таъсири энг муҳим ҳусусият ҳисобланади. Шунинг учун калий гидрооксиднинг диметилсульфоксид, бензол ва диоксан иштирокида реакция унумига таъсири

тадқиқ этилди. Тадқиқотлар натижаси 1- расмда келтирилган.

1-расмдан кўришиб турибдики диметилсульфоксид иштирокида реакциянинг унуми энг юқори қийматга эга бўлади. Бу эса ўз навбатида калий гидрооксиднинг диметилсульфооксид билан оралиқ комплекс ҳосил қилиши билан тушинтирилади. Резорциннинг моно- эфири ҳосил бўлиши қуйидаги схема асосида амалга ошади:




Виниллаш реакциясида КОН/ДМСО системасининг роли шундаки жараёнда юқори асосли димсил анионини ҳосил қилади у ўз навбатида эритманинг электр ўтказувчанлигини, водород боғланиш даражаси ва бошқа омилларини ўзгартириб реакцияни амалга ошишини таъминлайди. Бизга маълумки каталитик жараёнларда маҳсулот унуми ва реакция йўналишига катализатор ва эритувчи табиати ҳамда миқдори, ҳарорат, бошланғич моддалар моль нисбатлари, шунингдек дастлабки реагентларнинг киритилиш тезликлари катта таъсир кўрсатади. Резорцинни виниллаш жараёнига катализатор табиати таъсири тадқиқ қилинди. Катализаторлар сифатида литий, натрий, калий гидроксидлари ишлатилди. Барча ҳолларда резорциннинг моно- ҳолатдаги винил эфири ҳосил бўлиши аниқланди. Реакция унумини ишқорни ўзгартирган ҳолда 5 соат давомида ўрганилганда 1- жадвалдаги натижаларни кўришимиз мумкин.

Резорциннинг винил эфири унумига катализатор табиати таъсири


Катализатор	Винил эфир унуми, %
LiOH	28
NaOH	45
KOH	83

Резорцинни виниллаш учун юқори асосли CsF-МОН- ДМСО (M=Li, Na, K) каталитик системасидан фойдаланилди. Жараёнда резорциннинг моно- ҳолатдаги винил эфири ҳосил бўлиши аниқланди, реакциянинг схематик кўриниши қуйидагича:




Бунда системанинг асослиги янада ошади ва ҳосил бўлган маҳсулот унумининг кескин ошишига имкон беради.

Натижалардан кўриниб турибдики, реакция давомийлигини 1 соатдан 5 соатгача оширилганда резорциннинг моно- ҳолатдаги винил эфири унуми максимум орқали ўтади. Ҳарорат 25-30 °С да ва реакция давомийлиги 3 соат бўлганда маҳсулотнинг унуми 34,2 % га тенг. Реакция давомийлигининг янада оширилиши резорциннинг моно- ҳолатдаги винил эфири унумини камайишига олиб келади, 5 соатда унинг унуми максимал қийматга эришади, яъни 38,7 % ни ташкил этди. Ҳароратни 30-35 °С га оширилиши маҳсулот унумини 50,2 % гача ошишига олиб келди. Ҳароратни 50 °С дан оширилиши эса маҳсулот унумини камайишига сабаб бўлди. Бу ҳолатни синтез қилинаётган винил бирикманинг олигомерланиши ҳамда резорциннинг ва ҳосил бўлаётган маҳсулотнинг қисман оксидланиши ёки юқори ҳароратларда вирилацетиленнинг эрувчанлигини камайиши ва маҳсулотнинг деструктив ўзгариши билан тушунтириш мумкин. Шундай қилиб, резорцинни виниллаш реакциясининг тадқиқи унинг оптимал шароити: эритувчи – ДМСО, катализатор KOH миқдори – 13% (резорцин массасига нисбатан), ҳарорат 30-35 °С, реакция давомийлиги 5 соат бўлганда Резорциннинг моно- ҳолатдаги винил эфири унуми 50,2 % бўлишини кўрсатди.



2-расм. Гидрохиноннинг ИҚ спектри



3-расм. Гидрохинон винил эфирининг ИҚ спектри

Гидрохинон винил эфирининг ИҚ спектри тасвирида -ОН ва ароматик ҳалқага мос ютилиш чўққилари кузатилади. 2 ва 3-расмлар солиштирилса 1600 cm^{-1} га яқин соҳада винил гуруҳнинг кириши ҳисобига гидрохинонда бўлмаган янги ютилиш чўққисининг ҳосил бўлганлиги виниллаш реакцияси борганлигидан далолат беради.

Сульфометиллаш реакция жараёнини иккита босқичда амалга ошади. Биринчи босқичда субстратнинг оксиметилланган ҳосиласи олинади, кейин унга натрий бисульфит билан ўзаро таъсир эттирилади. Иккинчи босқичда субстрат метаналнинг бисульфит ҳосиласи –оксиметансульфонат ($\text{HOCH}_2\text{SO}_3\text{Na}$) билан ўзаро таъсирлашади. Фенолларнинг сульфометилланишида метанал ва натрий бисульфит сульфометилловчи моддалар сифатида ишлатилади. Фенолларнинг тузилиши ва реакция шароити бу жараёнда ҳал қилувчи омил ҳисобланади. Бироқ фенолларнинг сульфометилланиш механизми бўйича етарлича тадқиқотлар ўтказилмаган. Шунга қарамай, икки атомли феноллар винил эфирларининг анионоактив сульфометилланган ҳосилаларини синтез қилиш учун натрий бисульфитдан фойдаланиш ва уларни коррозия ингибиторлари сифатида ишлатиш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Шунинг учун метанал ва натрий бисульфит ёрдамида икки атомли феноллар винил эфирларининг сульфометилланган ҳосилаларини

олиш имконияти ўрганиб чиқилди. Бунда параформ метанал манбаи сифатида танланди.


Параформ ва натрий бисульфитнинг эквимольяр нисбатдаги аралашмаси ёрдамида икки атомли феноллар винил эфирлари орасидаги реакцияни 80-84 °С ораликдаги температурада амалга оширилганда реакция унуми юқори бўлмади.

Хатто сульфат кислота иштирокида эритма рН ини камайтирилганда ҳам натижа қониқарли амалга ошмади. Бунда фақат метанал билан поликонденсацияланиш амалга ошди. Икки атомли феноллар винил эфирларининг метанал билан реакциясини тезлаштириш учун ОП-10 ($C_9H_{19}C_6H_4O(C_2H_4O)_{10}OH$) дан (ноиноген сирт актив моддалар) фойдаланилди. Метил бензол сульфон кислотанинг натрийли тузи икки атомли феноллар винил эфирларининг сульфометилланишига яхши таъсир кўрсатиши аниқланди. Реакция ишқорий муҳитда 80-95 °С ҳароратда етарлича юқори унумда борди. Жараёни узокроқ давом эттириш натижасида модданинг ишқорий муҳитда эрувчанлиги ва антикоррозион хоссаларини ошишига олиб келди. Реакцион муҳитда эримайдиган бирикмаларнинг йўқолиши жараёнинг тугалланганлигини билдиради.

Олинган экспериментал маълумотларга асосланиб, икки атомли феноллар винил эфирларининг сульфометилланиши фақат ишқорий муҳитда амалга ошиши исботланди. Ишқорий муҳитда натрий бисульфит сувда эритилганда гидролизланиши билан боғлиқ:




Ишқорий муҳитга бўлган эҳтиёж реакциянинг ишқорий катализаторлигида амалга ошишини кўрсатди. Маълумки ишқор фенолга метаналнинг бирикиши натижасида гидрокси бензил спирт ҳосил бўлишини катализлайди, ва ишқорий катализатор фенолнинг нуклеофил анион фенолят ҳосил қилади ва у метаналнинг электрофил углероди билан таъсирлашади. Бу ҳолда реакциянинг бирламчи маҳсулоти қуйидагича оксиметил ҳосиласи олинади:




Ишқорий муҳитда дастлаб ҳосил бўлган орто-оксиметил-ҳосила нуклеофил сульфит аниони билан реакцияга киришадиган фаол электрофил реагентга айланади.

Бундай электрофил реагент оксиметил-ҳосиланинг сувсизланиши натижасида ҳосил бўлган оралик маҳсулот ҳосил бўлиши эҳтимолдан холи эмас. Реакция схемаси қуйидагича:



Жараённинг схемаси ишқорий муҳитда фенолнинг оксиметилланиш механизми тўғрисидаги Хаусе ғояларига мос келади. Сульфометилланиш реакцияси фақат сув иштирокида содир бўлади. Бунда формалин (40% сувли метанал эритмаси) нафақат метанал захираси, балки сувли муҳит вазифасини ҳам бажаради.

Олинган моддалар замонавий текшириш усуллари билан текшириб кўрилганда қуйидагича ҳолат кузатилди:



4-расм. Сульфометилланган коррозия ингибитори ИҚ спектри

Натрий 2-метиленсульфонат, 4-гидрокси β-фенокси 1,3-бутадиен ҳосил бўлгани ИҚ спектроскопия билан исботланди. Спектрларда 1040-1070 cm^{-1} ва 1160-1200 cm^{-1} майдонларда интенсив ютилиш кузатилди, бу мос равишда $\nu_s \text{SO}_3^-$ ва $\nu_a \text{SO}_3^-$ ларнинг ютилиш соҳаларига мос келади. SO_3^- ν_{sa} гуруҳ битта чизигининг ўрнига 1160-1990 ва 1200-1212 cm^{-1} соҳаларида иккига бўлиниши, ва 1062 cm^{-1} соҳаси томонга силжиши бирикма таркибида Na^+ иони борлигини кўрсатади. ИҚ-спектр: ν_{OH} - 3600-3100 cm^{-1} ; $\nu_{\text{CH(аром)}}$ - 2780-2966 cm^{-1} ; δ_{CH} - 740-758 cm^{-1} ; $\nu_{\text{C-C(аром)}}$ - 1491-1504 cm^{-1} ; $\nu_s \text{SO}_3^{2-}$ - 1040-1070 cm^{-1} ; $\nu_{\text{as}} \text{SO}_3^{2-}$ - 1160-1190, 1200-1212 cm^{-1} .

Икки атомли фенолларнинг винил эфирлари асосида коррозия ингибиторларининг амалиётда қўлланилиши ва синтез технологияси деб номланган тўртинчи бобда икки атомли фенолларнинг винил эфирларини сульфометилланган маҳсулотларининг антикоррозион хоссалари, синтез қилинган коррозия ингибиторларини ишлаб чиқаришда амалий қўлланилиши, икки атомли фенолларнинг винил эфирлари асосида коррозия ингибиторларини ишлаб чиқариш технологияси ва синтез технологияси тавсифи, икки атомли фенолларнинг винил эфирларини сульфометиллаш ва аминометиллаш асосида олинган СМКИ ва АМКИ коррозия ингибитори олинишининг технологик жараёни акс эттирилган.

Коррозия тезлигини ва халқаро стандартларга мувофиқ ишлатиладиган коррозия ингибиторлари самарадорлигини аниқлаш учун асосий усулларга нисбатан қисқа вақт ичида аниқлайдиган ва баҳолайдиган усуллар электрохимий ва гравиметрик усуллар ҳисобланади.

Синтез қилинган икки атомли фенолларнинг винилацетилен билан олинган винил эфирлари ва маҳаллий хом ашё метанал асосида самарали коррозия ингибиторлари АМКИ ва СМКИ текширилганда қуйидаги натижаларга эришилди.

2-жадвал

Икки атомли фенолларнинг винил эфирларининг формалин ва натрий бисульфит билан ўзаро таъсири маҳсулотларининг коррозион ингибиторлик таъсири

№	Реагентлар миқдори, моль	Жараёни амалга ошириш йўли	Реакция давомийлиги, соат	Ҳарорат, °С	Пластинка массасининг ўзгариши, г	Ҳимоялан иш эффекти, %
1	2	3	4	5	6	7
1	4-гидрокси 1-(1-метилен аллилокси) бензол - 0,05 Натрий бисульфит – 0,06 Формалин – 0,06 ОП-10-0,08	Бир вақтнинг ўзида	12-13	80-95	0,0324	73,5
2	4-гидрокси 1-(1-метилен аллилокси) бензол - 0,05 Натрий бисульфит – 0,06 Формалин – 0,06 ОП-10-0,08	Формалин киздирилмасдан 30 мин сақлангандан кейин томчилатиб қўшилади	12-13	80-95	0,0243	79,3
3	4-гидрокси 1-(1-метилен аллилокси) бензол - 0,05 Натрий бисульфит – 0,06 Формалин-0,155 ОП-10-0,08	Бир вақтнинг ўзида	18	80-95	0,0225	79,7


4	4-гидрокси 1-(1-метилен аллилокси) бензол - 0,05 Натрий бисульфит – 0,06 Формалин-0,155 ОП-10-0,08	Формалин қиздирилмас дан 30 мин сақлангандан кейин томчилатиб кўшилади	20	80-95	0,0185	82,8
5	4-гидрокси 1-(1-метилен аллилокси) бензол - 0,05 Натрий бисульфит – 0,06 Формалин-0,155 ОП-10-0,08	Формалин қиздирилмас дан 30 мин сақлангандан кейин томчилатиб кўшилади	20-22	80-95	0,0154	87,08
6	4-гидрокси 1-(1-метилен аллилокси) бензол - 0,05 Натрий бисульфит – 0,06 Формалин-0,155 ОП-10 -0,08	Формалин қиздирилмас дан 30 мин сақлангандан кейин томчилатиб кўшилади	22-24	80-95	0,0141	93,5
7	4-гидрокси 1-(1-метилен аллилокси) бензол - 0,05 Натрий бисульфит – 0,06 Формалин-0,155 ОП-10-0,08	Формалин қиздирилмас дан 30 мин сақлангандан кейин томчилатиб кўшилади	22-24	80-95	0,0178	82,17

Жараён 25 соат давомида ҳарорат 90-95 °С бўлганда – энг юқори химоялаш даражаси - 93,5% лиги аниқланди. Олинган бирикма анионоактив сирт фаол хусусиятни намоён этади ва стандарт компонентлар даражасида антикоррозион фаолликка эга.


3-жадвал

СМКИ коррозия ингибиторининг коррозияга қарши характеристикаларининг концентрациясига боғлиқлиги

Намуналар	$S, 10^{-4} \text{ m}^2$	τ , соат	масса m_0 , г	масса m , г	$\Delta m = m_0 - m$, г	Ингибитор концентрацияси, %	Коррозия тезлиги	Z, %	γ ,
1	17	72	6,608	6,043	0,565	-	4,616	-	-
2	17	72	6,610	6,425	0,185	0,001	1,514	67,2	3,05
3	17	72	6,701	6,577	0,124	0,01	1,011	78,1	4,56
4	17	72	6,721	6,661	0,0605	0,05	0,494	89,3	9,34
5	17	72	6,658	6,599	0,0581	0,03	0,475	89,7	9,72
6	17	72	6,687	6,65	0,0367	0,1	0,3	93,5	15,386



5-расм. Пулат коррозия тезлигининг СМКИ концентрациясига боғлиқлиги




6-расм. Коррозия ингибитори эффективлигининг СМКИ концентрациясига боғлиқлиги

Синтезланган янги коррозия ингибиторлар олинишининг технологик жараёни куйидаги босқичларни ўз ичига олади: хом ашёни тайёрлаш, синтезни амалга ошириш, синтезланган моддани ажратиш олиш, филтрлаш ва тайёр маҳсулотни қадоқлаш.

Металл композитлар ва металллар учун коррозияни ингибирловчи моддалар ва композициялар ишлаб чиқаришнинг технологик жараёнини бошқа ингибирловчи қўшимчаларни ишлаб чиқариш негизида технологияларни ўзгартирмаган ҳолда ташкил қилиш мумкин. Турли хил чиқиндилар ҳосил бўладиган корхоналарда бундай турдаги ишлаб чиқаришни ташкил қилиниши атроф муҳит муҳофазасининг долзарб масалаларини ечишга ва чиқиндисиз технологияларни яратишга имкон беради.

Икки атомли феноллар винил эфирлари билан метанал ва натрий сульфит ҳамда метанал ва моноэтаноламиннинг таъсирлашиши натижасида олинган СМКИ ва АМКИ коррозия ингибиторларини олишнинг технологик схемаси 7-расмда келтирилган. Реакторга Р1 (аралаштиргич, иситгич ва

қайтарма совитгич билан жиҳозланган вертикал цилиндрсимон аппарат) ўлчов идишларидан C1 ва C2, C3 ларга керакли микдордаги ИАФВЭ, метанал, натрий бисульфит ёки МЭА солинади.



7-расм. Коррозия ингибитор олишнинг технологик схемаси.
C1 ва C8 – сизимлар; P1 – реактор; K1 ва K4-насослар

Реакторга солинган моддалар аралаштириб турилган ҳолда 353-363 К ҳароратда 7 соат давомда қиздирилади. Кейин эса реакцион масса 293-297 К ҳароратгача совитилиб, филтрлаш учун C7 га жўнатилади. Реакцион массага эритувчи қўшиб реакцияга киришган масса чўктирилади. Чўктирилган масса C8 ҳажмли идишга юборилади ва яна бир маротаба ювилиб қолган чўкма ажратилади ҳамда кадоқлашга юборилади. Маҳсулот унуми 86-88% ни ташкил этади.

Олинган янги таркибли коррозия ингибиторларининг жорий қилинишидан келиб чиқадиган солиштирма ва умумий иқтисодий самарадорлик ҳисобланди.

ИАФВЭ, метанал ва натрий бисульфит ҳамда МЭА асосидаги олигомер коррозия ингибиторининг қўлланилишидан келиб чиқадиган иқтисодий самарадорлик қуйидаги формула асосида ўтказилди:

$$C = (C_1 - C_2)A_T$$

бу ерда C – таннархнинг амалда камайиши, сўм; C₁ – корхонада қўлланиладиган хом ашё нархи, сўм; C₂ – таклиф қилинган хом ашё нархи, сўм; A_T – бирлик истеъмол ҳажми, т.

Ҳисоблашлар ва қўшимча харажатларнинг коэффицентлари 2021 йил нархларида тақдим этилди.

Puro-tech 1011A хорижий ингибиторнинг АМКИ коррозия ингибиторига алмаштирилишининг ҳақиқий иқтисодий самарадорлигини ҳисоблаш:

$$C_{AO} = (17850000 - 12794000) \times 1,2 = 6\,067\,200 \text{ сўм}$$

бу ерда 17850000 – 1 т Puro-tech 1011A нинг нархи; 12794000 – 1 т таклиф қилинган АМКИ коррозия ингибиторининг нархи; 1,2 – алмаштирилган

маҳсулотни ишлаб чиқариш ҳажми, т.

Саноатда қўлланиладиган Puro-tech 1011A ингибиторини ИАФВЭ асосидаги АМКИ коррозия ингибиторига алмаштирилишининг 1 тонна ингибитор учун ҳақиқий иқтисодий самарадорлик 6 067 200 сўмни ташкил қилади.

ХУЛОСА

1. Икки атомли фенолларни винилацетилен билан каталитик виниллаш жараёни атмосфера босимида табиати турлича бўлган эритувчилар ва катализаторлар иштирокида амалга оширилганда LiOH ва NaOH га нисбатан KOH ишлатилганда тегишли равишда реакция унуми 55% ва 33% га ортиб 80-83% га етганлиги аниқланди.

2. ИҚ-спектроскопия усули ёрдамида янги синтез қилинган икки атомли феноллар, винилацетилен, метанал, натрий бисульфит ва моноэтаноламинлар асосидаги сульфометилланган ҳамда аминометилланган ҳосилаларнинг тузилиши ўрганилди ва улар асосида коррозия ингибитори тавсия қилинди.

3. Винилацетилен ва икки атомли феноллар асосидаги сульфометилланган ва аминометилланган ҳосилалари асосидаги ингибиторлар темир ионлари билан кам эрийдиган комплекслар ҳосил қилиб, коррозия токини камайтириши билан бир вақтда коррозия потенциалини мусбат тарафга қараб орттиради ва ингибирлаш аралаш механизмда боришини тавсифлади, бунда сульфо ва амино гуруҳ фрагментларини тутган органик бирикмаларнинг коррозиядан ҳимоялаш даражаси СМКИ учун 93,5%, АМКИ учун эса 92,3% эканлиги исботланди.

4. Коррозия тезлиги, ҳимоялаш даражаси ва тормозлаш коэффицентининг муҳитнинг рНи, ҳарорати, синтез қилинган моддаларнинг кимёвий табиати, концентрацияси ва таркибига боғлиқ равишда коррозияни ингибирлашнинг мақбул шароитлари тавсия қилинди.

5. Синтез қилинган СМКИ ва АМКИ коррозия ингибиторлари нефть ва газ кимё корхоналарида углеродли пўлатдан ясалган ускуналарни коррозиясидан ҳимоялашда қўллаш учун тавсия қилинди.

6. Нефть ва газни қозиш ва кайта ишлаш корхоналарида кислотали коррозияни олдини олиш учун синтез қилинган ингибиторларнинг қўлланилиши водород сульфидли ва эмульгирланган углеводородли системаларда юқори ҳимоялаш даражасини сақлаб қолади ва ишлаб чиқаришда ишлатиладиган Puro-tech 1011A коррозия ингибиторининг 1 тоннасига нисбатан сульфометилланган коррозия ингибитори 3838000, аминометилланган коррозия ингибитори эса 5056000 сўм эканлиги аниқланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019. Т.101.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ БУХАРСКОМ ИНЖЕНЕРНО-
ТЕХНОЛОГИЧЕСКОМ ИНСТИТУТЕ**

БУХАРСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

ОЛИМОВ БОБИР БАХОДИР УГЛИ

**ПОЛУЧЕНИЕ И ТЕХНОЛОГИЯ ИНГИБИТОРОВ НА ОСНОВЕ
ВИНИЛАЦЕТИЛЕНА ПРОТИВ КИСЛОТНОЙ КОРРОЗИИ В
НЕФТЕГАЗОВОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

02.00.08 – Химия и технология нефти и газа

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО
ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Бухара-2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан под номером B2021.4.PhD/T2449.

Диссертация выполнена в Бухарском инженерно-технологическом институте.
Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице научного совета по адресу www.bmti.uz и информационно-образовательном портале «Ziyonet» www.ziyonet.uz.

Научный руководитель:	Ахмедов Вохид Низомович кандидат технических наук, доцент
Официальные оппоненты:	Абдурахмонов Олим Рустамович доктор технических наук, профессор Бекназаров Хасан Сохибназарович доктор технических наук, профессор
Ведущая организация:	Каршинский инженерно-экономический институт

Защита диссертации состоится «17» 02 2022 г. в 14⁰⁰ часов на заседании научного совета PhD.03/30.12.2019. T.101.01 при Бухарском инженерно-технологическом институте по адресу: (200117, г.Бухара, ул. К.Муртазаева, 15. Тел.: (99865) 223-78-84, факс: (99865) 223-78-84, E-mail: bmti_info@edu.uz).

Диссертация зарегистрирована в Информационно-ресурсном центре Бухарского инженерно-технологического института за №360, с которой можно ознакомиться в ИРЦ (200117, г.Бухара, ул. К.Муртазаева, 15.Тел.: (99865) 223-78-84).

Автореферат диссертации разослан «4» февраля 2022 года.
(реестр протокола рассылки № 4 от «31» января 2022 года).



Н.Р. Баракаев
Председатель научного совета по
присуждению учёной степени,
д.т.н., профессор

Р.Р.Хайитов
Учёный секретарь научного совета по
присуждению учёной степени, д.т.н., ст.науч.сот.

Ш.М. Ходжиев
Председатель научного семинара при
ученом совете по присуждению
ученой степени, к.т.н., доцент

Введение (аннотация диссертации доктора философии)

Актуальность и востребованность темы диссертации. Сегодняшнее время в мире ненасыщенные виниловые производные продуктов тонкого органического синтеза, особенно соединения, содержащие различные функциональные группы, широко используются в различных областях народного хозяйства, сельского хозяйства, фармацевтической, химической промышленности, текстильной, лакокрасочной и нефтехимической промышленности. Поэтому синтез ненасыщенных виниловых производных и важных химических компонентов в присутствии различных природных катализаторов, органических растворителей и их смесей, а также высокоосновных сред, влияющих на процесс винилирования соединений, содержащих различные функциональные группы, остается одним из актуальных и практических задач современной органической химии.

В результате развития химической промышленности в мире проводятся целенаправленные исследования по созданию эффективных ингибиторов коррозии для предотвращения коррозии, которые происходят под воздействием различных агрессивных сред в металлических конструкциях используемых в нефтегазовой технологии. В связи с этим особое внимание уделяется созданию нового поколения высокоэффективных ингибиторов на основе широко распространенных природных ресурсов, синтезу новых ингибиторов коррозии, выявлению их свойств и разработке технологии, на основе которой будут созданы эффективные и импортозамещающие ингибиторы.

В последние годы в нашей республике особое внимание уделяется химической промышленности, организуются реконструкция и доукомплектование цехов предприятий АО «Навоизот» и СП АО «Электрохимзавод», на которых процесс производства ацетилена по новой технологии осуществляется с высокой эффективностью. Стратегия действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан определяет важные задачи по «модернизации, техническому и технологическому перевооружению предприятий химической промышленности». В связи с этим большое значение имеют научные исследования, направленные на создание методов производства продуктов органического синтеза на основе ацетилена, являющегося местным сырьем, улучшающих структуру, физико-химические, технологические и эксплуатационные свойства получаемых продуктов.

Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года № ПП-4947 «Стратегия действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы»¹ и 23 августа 2017 года № УП-3236 «О Программе развития химической промышленности на 2017-2021 годы» исследование данной диссертации в определенной мере служит реализации задач, поставленных в постановлении и других нормативных

¹ Указ Президента Республики Узбекистан № ПП-4947 от 7 февраля 2017 года «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».

правовых актах, касающихся данной деятельности.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий Республики Узбекистан. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики: VII. «Химические технологии и нанотехнологии»; XII. «Технология получения органических, неорганических, полимерных и других природных материалов»

Степень изученности проблемы. Особое место занимают исследования всемирно известных ученых, таких как Б.А.Трофимов, О.Н.Темкин, Р.М.Флид, Л.Б.Фишер, И.Л.Котляревский, А.А.Петров, Б.Гусев, А.В.Шелкунов, Пару Рам Пао, Л.Панивника, Йоко Ямамото и Бяо Цзян, по синтезу виниловых соединений на основе ацетилена.

В области химии ацетилена в Узбекистане А.Г. Максумов, К.М. Ахмеров, Т.С.Сирлибоев, Д.Юсупов, А.Икромов, Б.Ф.Мухиддинов, С.Э.Нурмонов, А.Т.Джалилов и др. проводили и продолжают исследования в области различных синтезов, ингибирующих свойств соединений ацетилена, синтеза гетероциклических соединений на основе ацетилена и винилирование органических соединений активным водородом. Такие ученые, как Р.С. Тиллаев, Т.Д.Цыганов, Ф.К.Курбанов, А.Т.Джалилов, А.Икромов, Д.Юсупов, З.Б.Таджиходжаев, Х.И.Акбаров, Ҳ.С.Бекназаров, Ҳ.Қодиров внесли свой вклад в решение проблемы коррозии металлов в стране, синтезу химических соединений, проявляющих ингибирующие свойства, и создание системы ингибирования.

